

# МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ИЗМЕНЕНИЯ СТЕНКИ ЖЕЛУДКА ПОД ВЛИЯНИЕМ ЭНЕРГЕТИЧЕСКИХ НАПИТКОВ ПРИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОМ ПОДХОДЕ

<sup>1</sup>Н.А.Юсупова. <https://orcid.org/0000-0001-8023-5878>

<sup>2</sup>Ф.С.Орипов. <https://orcid.org/0000-0002-0615-0144>

<sup>1</sup>Самаркандский Государственный медицинский университет

<sup>2</sup>Самаркандский Государственный медицинский университет

## Резюме

В последние годы энергетические напитки стали прогрессивно завоёвывать не только рынок европейских и западных стран, но они завоевали и рынок стран Азии. По этому ВОЗ считает, что риск такого массового потребления энергетических напитков среди подростков и молодых может привести к серьёзным нарушениям здоровья населения и отрицательным осложнениям в здравоохранении в будущем. Для обоснования показаний и противопоказаний, рекомендаций по употреблению (объемов и дозировок) энергетических напитков необходимо получение четкой доказательной базы, основанной на проведении комплексных клинико-лабораторных, инструментальных и экспериментально-морфологических исследований.

**Ключевые слова:** энергетические напитки, морфометрия, желудка, слизистая оболочка

# ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ЁНДАШУВДА ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАР ТАЪСИРИДА ОШҚОЗОН ДЕВОРИДАГИ МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАР

<sup>1</sup>Юсупова Н.А. <https://orcid.org/0000-0001-8023-5878>

<sup>2</sup>Орипов Ф.С. <https://orcid.org/0000-0002-0615-0144>

<sup>1</sup>Самарқанд Давлат тиббиёт университети

<sup>2</sup>Самарқанд Давлат тиббиёт университети

**Резюме** Сўнги йилларда энергетик ичимликлар нафақат Европа ва Ғарб мамлакатлари бозорини, балки Осиё мамлакатлари бозорини ҳам забт эта бошлади. Шу сабабли, ЖССТ ўсмирлар ва ёшлар орасида энергетик ичимликларни бундай оммавий истеъмол қилиши аҳоли соғлиғининг жиддий бузилишига ва келажақда

соғлиқни сақлашда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин деб ҳисоблайди.. Шу сабабли энергетик ичимликларни истеъмол қилиш бўйича кўрсатмалар тавсияларни комплекс клиник, лаборатория, инструментал ва экспериментал морфологик тадқиқотлар асосида аниқ далиллар базасига асосан ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** Энергетик ичимликлар, морфометрия, ошқозон, шиллиқ қават

## MORPHOLOGICAL CHANGES IN THE STOMACH WALL UNDER THE INFLUENCE OF ENERGY DRINKS WITH AN EXPERIMENTAL APPROACH

1N.A.Yusupova. <https://orcid.org/0000-0001-8023-5878>

2F.S.Oripov. <https://orcid.org/0000-0002-0615-0144>

*<sup>1</sup>Samarkand State medical university*

*<sup>2</sup>Samarkand State medical university*

### Resume

In recent years, energy drinks have begun to progressively conquer not only the market of European and Western countries, but they have also conquered the market of Asian countries. For this reason, WHO believes that the risk of such mass consumption of energy drinks among adolescents and young people can lead to serious public health disorders and negative health complications in the future. To substantiate the indications and contraindications, recommendations for the use (volumes and dosages) of energy drinks, it is necessary to obtain a clear evidence base based on comprehensive clinical and laboratory, instrumental and experimental morphological studies.

**Keywords:** energy drinks, morphometry, stomach, mucous membrane

**Кириш.** Ошқозон-ичак трактидаги (ОИТ) дисфункция, бу анатомик тузилиши ва унинг олдида турган кўп қиррали вазифалар бўлган органлар тизимида юзага келган ҳар қандай патологик жараённинг белгисидир. Кўплаб тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ошқозон-ичак трактининг бир қатор функционал бузилишлари ошқозон -ичакларнинг ўз-ўзини асаб ва эндокрин тизимлари томонидан бошқаришдаги муаммолари билан боғлиқ бўлиб, бу бизга

ОИТ ининг бир қатор касалликларда диагноз қўйишда бир қатор белгиланган инструментал, морфологик, лаборатор текширувларнинг ахамиятини тушунтиради [1,2].

**Материаллар ва усуллар.** Тажриба тана вазни  $130 \pm 20$  г оралиқда бўлган 30 та уч ойлик (12 ҳафталик) эркак жинсли оқ каламушларда ўтказилди. Назорат гуруҳига 6 та ЭИ ичирилмаган уч ойлик эркак жинсли оқ каламушлар олинган. Асосий гуруҳдаги каламушларда энергетик ичимлик (ЭИ) қабул қилиш муддати 3 хил бўлди: 8 та каламуш 4 ҳафта, 7 та каламуш 8 ҳафта, 9 та каламуш 12 ҳафта давомида энергетик ичимлик истеъмол қилди. Тажриба ҳайвонлари ошқозони девори тузилмаларини морфометрик текшириш учун окуляр линейкадан ва тузилмаларнинг тарқалиш зичлигини аниқлаш учун 256 та кесишма нуқтаси мавжуд бўлган окуляр тўрдан фойдаланилди. Кўрув майдонида ошқозоннинг туби ва танасидан тайёрланган препаратлардан ошқозон девори шиллик парда безларининг зичлигини ҳисоблаш учун  $4 \times 10$  катталаштиришда махсус морфометрик тўрли окулярдан фойдаланилди. Худди шу катталаштириш ёрдамида ошқозон деворининг қаватлари; шиллик қавати, шиллик ости қатлами, мушак ва сероз қаватларининг қалинлиги ҳар бир каламуш ошқозони деворининг микропрепаратида ўлчанди ва маълумотларга статистик ишлов берилди.

**Натижалар ва муҳокама.** 4 ҳафта давомида ЭИ истеъмол қилган 12 ҳафталик каламушларда ошқозон деворининг умумий қалинлиги ўртача  $36,90 \pm 0,59$  (нисбий ўлчовда) ни, жумладан шиллик қаватнинг қалинлиги ўртача  $17,67 \pm 0,32$  ни, шиллик ости қаватнинг қалинлиги  $6,88 \pm 0,17$  ни, ҳамда мушак ва сероз қаватларининг умумий қалинлиги ўртача  $12,73 \pm 0,32$  ни ташкил қилди. Шиллик қавати безларининг зичлиги  $12,65 \pm 0,27$  (нисбий ўлчовда) га тенг эканлиги аниқланди (1-жадвал).

8 ҳафта давомида ЭИ истеъмол қилган 3 ойлик тажриба каламушларида ошқозон деворининг умумий қалинлиги ўртача  $34,83 \pm 0,85$  (нисбий ўлчовда) га тенг бўлиб, жумладан шиллик қаватнинг қалинлиги ўртача  $17,55 \pm 0,26$  ни, шиллик ости қаватнинг қалинлиги  $6,55 \pm 0,30$  ни, мушак ва сероз қаватларининг умумий қалинлиги ўртача  $11,26 \pm 0,32$  ни ташкил қилди. Шиллик қаватидаги безларнинг зичлиги  $12,00 \pm 0,24$  га (нисбий ўлчовда) тенг бўлди (1-жадвал).

3 ойлик, 12 ҳафта давомида ЭИ истеъмол қилган тажриба

хайвонларида ошқозон деворининг умумий қалинлиги ўртача  $32,24 \pm 0,64$  (нисбий ўлчовда)га, шиллик қаватнинг қалинлиги ўртача  $16,28 \pm 0,29$ га, шиллик ости қаватнинг қалинлиги  $6,04 \pm 0,24$ га, мушак ва сероз қаватларининг қалинлиги ўртача  $9,91 \pm 0,32$  га тенг бўлди. Шиллик қаватда безлар зичлиги  $12,13 \pm 0,24$  га (нисбий ўлчовда) тенг эканлиги аниқланди (1 жадвал).

### Жадвал 1

#### Биринчи тажриба гуруҳи 12 ҳафталик каламушларида ошқозон девори қаватларининг морфометрик кўрсаткичлари

ЭИ қабул қилиш муддати	Ошқозон девори	Шиллик парда	Шиллик ости қават	Мушак ва сероз парда	Безлар зичлиги
4 hafta	*** $36,90 \pm 0,59$	*** $17,67 \pm 0,32$	$6,88 \pm 0,17$	*** $12,73 \pm 0,23$	*** $12,65 \pm 0,27$
8 hafta	*** $34,83 \pm 0,85$	*** $17,55 \pm 0,26$	*** $6,55 \pm 0,30$	$11,26 \pm 0,32$	*** $12,00 \pm 0,43$
12 hafta	*** $32,24 \pm 0,64$	*** $16,28 \pm 0,29$	*** $6,04 \pm 0,18$	*** $9,91 \pm 0,34$	*** $12,13 \pm 0,24$

**Изоҳ:\*** Назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан маълумотларни ишончлилик даражаси (\*-  $P < 0,05$ ; \*\*-  $P < 0,005$ ; \*\*\*-  $P < 0,001$ )


12 ҳафталик 4, 8, 12 ҳафта давомида энергетик ичимликлар таъсирида булган тажриба ва назорат гуруҳи каламушлари ошқозон девори қаватларининг морфометрик кўрсаткичлари таққосланганда қуйидаги маълумотлар олинди:

12 ҳафталик 4 ҳафта давомида ЭИ истеъмол қилган тажриба хайвонларида шу ёшдаги назорат гуруҳига нисбатан ошқозон деворининг умумий қалинлиги 13,5 % га камайганлиги аниқланди. Бунда шиллик қават 27 %га камайганлиги, шиллик ости ва мушак-сероз қаватлари қалинликлари эса сезиларли ўзгармаганлиги аниқланди. Шиллик парда безларинг тарқалиш зичлиги эса 21% га камайганлиги кузатилди (1-расм).

12 ҳафталик 8 ҳафта давомида ЭИ истеъмол қилган тажриба хайвонларида шу ёшдаги назорат гуруҳига нисбатан ошқозон деворининг умумий қалинлиги 17,5 % га камайганлиги аниқланди. Бу ўзгариш асосан шиллик қавати қалинлигининг камайиши (27 %га) ҳисобига эканлиги аниқланди. Шиллик ости ва мушак- сероз қаватлари морфометрик кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришлар

аниқланмади. Шиллик парда безларинг тарқалиш зичлиги эса 25% га камайган (1-расм).

12 ҳафталик тажриба хайвонларида ЭИ ларнинг ошқозонга сурункали таъсири (12 ҳафта давомида) натижасида шу ёшдаги назорат гуруҳига нисбатан таққосланганда ошқозон деворининг умумий қалинлиги 24 % га камайганлиги аниқланди. Жумладан шиллик қават 32.5 % га, шиллик ости қавати 13% га ва мушак-сероз қаватлари 11 % га юпқалашгани аниқланди. Шиллик парда безларинг зичлиги эса 24% га камайганлиги аниқланди. Энг кўп ўзгаришлар шиллик, шиллик ости қаватда ҳамда шиллик қаватнинг безларининг сони камайиши билан номоён бўлди. Мушак- сероз пардада ўзгаришлар пайдо бўлганлиги сурункали таъсир оқибатида юзага келганлиги аниқланди (1-расм).



**Расм 1. 12 ҳафталик тажриба хайвонларида назорат гуруҳига нисбатан ошқозон морфометрик кўрсаткичлари ўзгариши**

**Хулоса.** Шундай қилиб 12 ҳафта давомида, яъни сурункали равишда ЭИ истеъмол қилган каламушларда ошқозон девори морфометрик кўрсаткичларида кескин, яъни ишонарли даражада салбий ўзгаришлар кузатилди.

#### **Адабиётлар рўйхати.**

1. Белковец А.В. и соав. Опыт неинвазивной диагностики атрофического гастрита в текущей клинической практике. //Бюллетень со рамн, том 33, № 4, 2013. С.71-76.

2. Зайцева А.А., Богданова Т.М. «Онкологические аспекты органов желудочно-кишечного тракта» ФГБОУ ВО «Саратовский государственный медицинский университет имени В. И. Разумовского

Минздрава России, [Электронный ресурс] –URL: bogtanmih@mail.ru

3. Душанова Г.А., Набиева Ф.С., Садинова М.Ж., Нурматова Д.М. Анализ взаимосвязей параметров иммунного гомеостаза с состоянием системы ПОЛ-АОС// Вестник науки и образования. № (105) часть 2- 2021, С.63-69

4. Ибрагимова, Н.С. Ибрагимова. Роль гомоцистеина в патогенезе синдрома поликистозных яичников у женщин Б.Ф. //international scientific review. Вып. 3,-2020, С.3

5. Юсупова Н.А.Негмаджонов Б.Б.Бердиярова Ш.Ш. Роль сбалансированной микрофлоры в поддержании гомеостаза влагалища// Достижения науки и образования - № 14. 2020, С. 74-77.

УДК: 617.77-089.844

## СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ВЫЯВЛЕНИЯ ПРИЧИНЫ ДЕФОРМАЦИИ ВЕК У ЖЕНЩИН РЕПРОДУКТИВНОГО ВОЗРАСТА

*Кодирова М.К. <https://orcid.org/my-orcid?orcid=0009-0003-4432-0217>*

*Бухарский государственный медицинский институт*

*Резюме:* В статье изложены методы хирургической коррекции деформаций и преимущества послеоперационной реабилитации у женщин фертильного возраста, страдающих опущением век с возрастом.

*Ключевые слова:* блефаропластика, фертильный возраст, реконструктивная хирургия, эстетическая хирургия, эффективность реабилитации, деформации век.

## РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА КЎЗ ҚОВОҚЛАРИ ДЕФОРМАСИЯСИ САБАБИНИ АНИҚЛАШНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

*Қодирова М.К. <https://orcid.org/my-orcid?orcid=0009-0003-4432-0217>*

*Бухоро давлат тиббиёт институти*

*Резюме* Мақолада деформацияларни жарроҳлик йўли билан тузатиш усуллари ва ёши билан кўз қовоқлари тушишидан азият чекадиган фертил ёшдаги аёлларда операциядан кейинги реабилитациянинг афзалликлари кўрсатилган.